

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ У К М

2024 йил январь ойининг 23 куни Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Сирғали туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, қуйидаги таркибда:

судья А.Шамахмудов раислигида,

судья ёрдамчиси А.Раимовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Сирғали туман прокурори ўринбосари Ж.Оллонов, адвокат Х.Каримованинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбланган

Х.Х.Х (Х.Х.Х), 00.00.0000 йилда

туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, 00нафар фарзанди бор, ҳарбий хизматга мажбур, давлат мукофотлари олмаган, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз,

яшовчи,

иш бўйича “гаров” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олганга нисбатан

1-1011-0000/00-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, гувоҳларнинг кўрсатувларини ўқиб эшиттириб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда тўпланган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Х.Х.Х 2023 йил 27 ноябрь куни соат 20:00 ларда жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан, олдида бўла туриб, ҳеч бир сабабсиз, арзимаган сабабларни рўқач қилган ҳолда, шу ерда Х.Х.Х билан ўрталарида ўзаро келиб чиққан жанжал оқибатида, Х.Х.Хни уриб дўппослаб, унга тан жароҳати етказган.

Суд тиббий экспертизасининг 2023 йил 30 ноябрдаги 0000-Х-Алл-сонли хулосасига кўра, Х.Х.Хда “бурун суяклари силжиб синиб нафас фаолияти бузулиши, бош мия ёпиқ жароҳати, бош мия чайқалиши, бурун елкаси соҳаси, пешона ва чап тизза соҳаларида шилинмалар, ўнг ва чап пастки қовоқлари, тос чап томони қирраси соҳалари қон талашлари” каби тан жароҳатлари аниқланиб, ушбу жароҳатлар ўртача оғир даражадаги тан жароҳатлар туркумига кириши кўрсатилган.

Судланувчи Х.Х.Х айбига тўлиқ иқрорлигини билдириб, дастлабки терговда берган кўрсатувини тасдиқлаб, судда 2023 йил 27 ноябрь куни соат 19:00да таниши Х.Х.Хга қўнғироқ қилиб, унга автоуловини бир харидорга кўрсатиб келиш учун бирга бориб келишни таклиф қилганини, у рози бўлганини, Х.Х.Х уйига келганини, унга сотувга қўйган қора рангли давлат рақами Х.Х.Х бўлган “Х.Х.Х” русумли автоуловни



кўрсатганини, у шу автоуловга қизиққани сабабли, уни ҳайдаб кўришга рухсат беришини сўраганини, рози бўлганини, Х.Х.Х харидорни олдига ҳайдаб боришини айтганини, Х.Х.Х автоуловни Сирғали тумани Меҳригиё МФЙга кириш қисмидаги арка олдига қараб бошқарганини, арка олдига келишганида, уларга қарама-қарши йўналишдан оқ рангли “Х.Х.Х” русумли автоуловида Х.Х.Х келганини, Х.Х.Х йўлнинг ўнг чекка қисмига автоуловни олганида, Х.Х.Х уларга бир неча маротаба автоуловнинг фараларини туширганини, Х.Х.Х эса ушбу йўлдан бемалол ўтиб кетиши ҳақида ишора қилганида, у уларга бир неча маротаба сигнал чалганини, улар автоуловни янада четроққа олишганида, Х.Х.Х автоуловини олдиларига олиб келиб тўхтатганини, ўзини ён ойнасини пастга тушириб, Х.Х.Хни ҳақорат қилганини, Х.Х.Х унга ўзини босиб олишини, ўзидан каттага бундай муносабатда бўлмаслигини айтганида, у яна уни куракда турмайдиган сўзлар билан ҳақорат қилиб, автоуловини ҳайдаб кетганини, Х.Х.Хни Х.Х.Хнинг гапларидан жаҳли чиққани сабабли, автоуловдан тушиб унинг ортидан юриб борганини, ўзи эса автоуловнинг ҳайдовчи ўриндиғига ўтиб, уни йўлнинг чекка қисмига олиб қўйганини, Х.Х.Х эса автоуловини [REDACTED] олдидаги электр шитининг олдига ҳайдаб бориб тўхтатиб, ундан тушганини, шу пайт унинг олдига Х.Х.Х бориб, нима сабабдан уни ҳақорат қилганини, ундан 10-15 ёш кичкина эканлигини, нима учун сансираётганини айтиб, унга насихат қилмоқчи бўлганида, Х.Х.Х Х.Х.Хга сизлаш кераклиги қаерда ёзилганини, хоҳлаганча гапиришини, оғзига хўжайин эмаслигини айтиб, уни яна ҳақорат қилганини, уларнинг олдига борганини, Х.Х.Хга кичкина эканлигини, ўзидан каттага ҳурмат билан гапиришини айтганида, Х.Х.Х уни ҳам ҳақорат қилганини, натижада улар ўзаро тортишиб кетишганини, Х.Х.Х унинг юз қисмини қўли билан бир маротаба итарганидан сўнг, уни юз қисмига бир маротаба мушт билан урганини, ўзаро уришиб кетишганини, Х.Х.Х уни бел қисмидан қучоқлаб олиб, йиқитмоқчи бўлганини, уни қўллари билан уриб кетганини, Х.Х.Х эса уларни ажратганини, кейин у ердан автоуловга ўтириб кетишганини, тинчланишлари учун шаҳар айланишганини, сомса ейиш учун [REDACTED] келишганини, Х.Х.Х билан бирга сомса истеъмол қилиб ўтирганида, уни ИИБ ходимлари келиб олиб кетишганини, шунда Х.Х.Х олган тан жароҳати бўйича ИИБга ариза ёзганини билганини, Х.Х.Хга фақатгина ўзи тан жароҳати етказганини, Х.Х.Х Х.Х.Хга умуман тан жароҳати етказмаганини, Х.Х.Х уларни ажратгани сабабли, Х.Х.Х Х.Х.Хни ҳам урди деб ўйлашини, ўзи жиддий жароҳат олмани сабабли, шифохонага мурожаат қилмаганини, ёш болини икки киши бўлиб уришга уялишини, жабрланувчи Х.Х.Х илгари ҳам йўл талашиб, калтак еганини, у ҳолатда ҳам жабрланувчи бўлиб, ариза ёзганини, жиноят иши иштирокчиси бўлганини, маҳалласига у ҳолат бўйича ҳам одамлар келиб суриштиришганини, унинг бошқа шахс билан уришга мойиллиги



борлигини қўшниларидан суриштириб билганини, ҳозирда қилган ишидан пушаймондалигини, қарамоғида турмуш ўртоғи ва 00 нафар фарзанди борлигини баён этиб, жарима жазосини тайинлашни сўради.

Гарчанд судланувчи Х.Х.Х айбига тўлиқ иқрор бўлса-да, суд унинг айби қуйида келтирилган далиллар, яъни

жабрланувчи Х.Х.Хнинг дастлабки терговда берган кўрсатувини тасдиқлаб, судда 2023 йил 27 ноябрь куни соат 18:30 ларда бошқарувидаги давлат рақами Х.Х.Х бўлган “Х.Х.Х” русумли автоуловини ювдириш мақсадида [REDACTED] жойлашган ўзи ювиш учун очилган автоулов ювиш шохобчасига бориб, автоуловини ювиб бўлиб, уйи томон йўлга чиққанини, автоуловида [REDACTED]

[REDACTED] орасидаги кичик йўлакка келганида, қарама-қарши томондан қора рангли давлат рақами Х.Х.Х бўлган “Х.Х.Х” русумли автоулов йўлнинг ўртасидан келиб, уни ўтиб кетишига халақит берганини, “Х.Х.Х” русумли автоулов ҳайдовчисига сал орқага юриб туришини, ўтиб кетишига халақит бераётганини айтганини, “Х.Х.Х” русумли автоулов ҳайдовчиси орқага қараб юрмасдан ўзининг дастлаб тўхтаган жойида турганини, “Х.Х.Х” русумли автоуловга қараб бир неча марта сигнал ва узоқни ёритувчи чироқларини ёқиб ўчирганини, “Х.Х.Х” русумли автоулов чап томонга юриб, унга йўл берганини, “Х.Х.Х” русумли автоулов ёнидан ўтиб кетаётганида, ушбу автоулов ҳайдовчиси томонидаги ён ойнасини тушириб, унга автоуловини олди ён ойнасини туширишига ишора қилганини, автоулов салон қисмига қараганида, унинг олд йўловчи ўриндиғида ҳам бир эркак киши ўтирганини кўрганини, ҳайдовчи ўриндиғида Х.Х.Х, йўловчи ўриндиғида эса Х.Х.Х ўтирганини кўрганини, автоуловининг олди ойнасини туширганида, Х.Х.Х унга нега юзини “кисли рожа” қилаётганини айтиб дўқ қилганини, Х.Х.Хга бори шу эканлигини айтиб, жанжал келиб чиқмаслиги учун йўлида давом этганини, автоуловини 00-уйнинг олдида жойлашган электр шитнинг олдида қўйиб, автоуловдан тушганида, Х.Х.Х ва Х.Х.Хлар унинг олдида келишганини, Х.Х.Х унга яна нима сабабдан юзини “кисли рожа” қилаётганини айтганини, унга ҳеч кимга унақа қилмаётганини, уларга ортиқча сўз гапирмаганини билдирганини, шу орада Х.Х.Х уларнинг суҳбатига аралашиб уни ҳақоратлаганини, Х.Х.Х ҳамда Х.Х.Хга сансираб, уни тинч қўйишларини, йўлларида давом этишларини айтганини, улар уни турли сўзлар билан ҳақорат қилишганини, уйига кириб кетиш учун автоуловини қулфлаб юриб, орқасига уларга қараганида, Х.Х.Х уни юз ва бурун қисмига ўнг қўли билан бир маротаба қаттиқ урганини, натижада орқасига йиқилиб тушганини, уни Х.Х.Х ва Х.Х.Хлар ерга ётқизиб, қўллари ва оёқлари билан дўппослашганини, улар уни юз ва бош қисмларига қўллари билан тинмай уришганини, ўзининг ҳимоя қилиш мақсадида Х.Х.Хни бел қисмидан кучоқлаб уни ортга итариб юбормоқчи бўлганида, Х.Х.Х уни бошига қўллари билан уриб ташлаганини,



бурнидан тинмай қон оққани ҳамда кўзига қон киргани сабабли Х.Х.Хдан қўлларини тортиб олганини, кейин шу ердаги одамлар уларни ажратишганини, уни [REDACTED] яшовчи бир эркак киши ўзининг автоуловида Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий марказига олиб борганини, у ерда унга биринчи тиббий ёрдам кўрсатилганини, ИИО ходимлари келиб ундан ариза ва тушунтириш хати олишганини, Х.Х.Х ва Х.Х.Хларни 2023 йил 27 ноябрь куни биринчи марта кўрганини, 2023 йил 27 ноябрь куни уни биринчи бўлиб Х.Х.Х уриб, тан жароҳати етказганини, у унинг юз ва бурун қисмига бир марта ўнг қўли билан урганини, ҳозирда судланувчига нисбатан даъвоси йўқлигини, моддий зарардан воз кечишини, қонунда белгиланган жазо қўллашни сўраб берган кўрсатуви;

гувоҳ Х.Х.Хнинг дастлабки терговда берган кўрсатувини тасдиқлаб, судда 2023 йил 27 ноябрь куни соат 19:00да унга Х.Х.Х қўнғироқ қилиб, сотувга қўйган автоуловини бир харидорга бирга кўрсатиб келишни таклиф қилганини, рози бўлганини, йўловчи такси орқали Х.Х.Хнинг уйини олдига борганини, у ерда уни Х.Х.Х кутиб олганини, Х.Х.Х унга сотаётган қора рангли давлат рақами Х.Х.Х бўлган “Х.Х.Х” русумли автоуловини кўрсатганини, ушбу автоуловга қизиққани сабабли, уни ҳайдаб кўришга рухсат беришини сўраганини, Х.Х.Х ушбу автоуловни бошқаришига рухсат бериб, харидорни олдига уни ҳайдаб боришини айтганини, автоуловни [REDACTED] кириш қисмидаги арка олдига қараб бошқариб борганини, арка олдига келишганида, уларга қарама-қарши йўналишдан оқ рангли “Х.Х.Х” русумли автоуловида Х.Х.Х келганини, йўлнинг ўнг чекка қисмига автоуловни олганида, Х.Х.Х унга бир неча марта автоуловнинг фараларини туширганини, унга ушбу йўлдан бемалол ўтиб кетишига ишора қилганида, у унга бир неча марта сигнал чалганини, автоуловни янада четроққа олганида, Х.Х.Х автоуловини олдига олиб келиб тўхтатганини, ўзини ён ойнасини пастга тушириб, уни ҳақорат қилганини, унга ўзини босиб олишини, ўзидан каттага бундай муносабатда бўлмаслигини айтганида, у яна уни куракда турмайдиган сўзлар билан ҳақорат қилиб, автоуловини ҳайдаб кетганини, Х.Х.Хнинг гапларидан жаҳли чиққани сабабли, автоуловдан тушиб унинг ортидан юриб борганини, Х.Х.Х эса автоуловнинг ҳайдовчи ўриндиғига ўтиб, автоуловни йўлнинг четига олиб қўйганини, Х.Х.Х эса автоуловини 00-уйнинг олдидаги электр шитнинг олдида тўхтатганини, у автоуловдан тушганида унинг олдига бориб, нима сабабдан уни ҳақорат қилганини, ундан 10-15 ёш кичкина эканлигини, нима учун сансираётганини айтиб, унга насихат қилмоқчи бўлганида, у унга сизлаш кераклиги қаерда ёзилганини, хоҳлаганча гапиришини, оғзига хўжайин эмаслигини айтиб, уни ҳақорат қилганини, уларнинг олдиларига Х.Х.Х келиб, у ҳам Х.Х.Хга кичкина эканлигини, ўзидан каттага ҳурмат билан гапириш кераклигини айтганида, Х.Х.Х уни ҳам ҳақорат қилганини, натижада



улар ўзаро тортишиб кетишганини, Х.Х.Х Х.Х.Хни юз қисмини қўли билан бир марта итарганидан сўнг, Х.Х.Х уни юз қисмига бир марта мушт билан урганини, улар ўзаро уришиб кетишганини, Х.Х.Х Х.Х.Хни бел қисмидан қучоқлаб олиб, йиқитмоқчи бўлганини, Х.Х.Х эса уни қўллари билан урганини, уларни ажратганини, Х.Х.Хни олиб у ердан автоуловга қараб кетишганини, автоуловни олиб тинчланишлари учун шаҳар айланишганини, сомса ейиш учун [REDACTED] қараб кетишганини, Х.Х.Х билан бирга сомса истеъмол қилиб ўтиришганида, Х.Х.Хни ИИО ходимлари келиб олиб кетишганини, Х.Х.Х олган тан жароҳати бўйича ИИОга ариза ёзганини билганини, Х.Х.Х билан йўл талашганини, Х.Х.Хга фақатгина Х.Х.Х тан жароҳати етказганини, Х.Х.Х Х.Х.Хнинг юз қисмига бир марта қўли билан урганини, Х.Х.Хга умуман тан жароҳати етказмаганини баён этиб берган кўрсатуви;

гувоҳ Х.Х.Хнинг дастлабки терговда берган кўрсатувини тасдиқлаб, судда [REDACTED] жойлашган “Х.Х.Х” номли кийим дўконида ишлашини, 2023 йил 27 ноябрь куни ишга чиқмаганини, дўконга бормаганини, Х.Х.Х ва Х.Х.Хнинг ўртасидаги жанжал гувоҳи бўлмаганини баён этиб берган кўрсатуви;

томонлар розилиги билан ўқиб эшиттирилган гувоҳлар Х.Х.Х, Х.Х.Х, Х.Х.Х, Х.Х.Х, Х.Х.Хнинг дастлабки терговда баён этиб берган кўрсатувлари;

тушунтириш хатлари, билдирги, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси, сўроқ қилиш баённомалари, юзлаштириш баённомалари, суд тиббий экспертизасининг хулосаси ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан исботланган деб ҳисоблайди.

Суд жабрланувчи Х.Х.Хнинг воқеа куни уни судланувчи Х.Х.Х эмас, балки гувоҳ Х.Х.Х ургани, айнан у унга тан жароҳати етказгани ҳақидаги важларини муҳокама қилиб, ушбу важлар на дастлабки терговда, на судда ўз тасдиғини топмаган деб ҳисоблайди. Чунки дастлабки терговда ва судда жабрланувчи Х.Х.Хни гувоҳ Х.Х.Х урганини тасдиқлайдиган бирор бир далил тўпланмаган, воқеа жойидаги кузатув камералари текширилганида, ҳолат акс эттирилган видео ёзувлар мавжуд эмаслиги аниқланган, ушбу ҳолатни гувоҳи бўлган шахслар ҳам аниқланмаган.

Жиноят ишида жабрланувчи Х.Х.Хнинг уни гувоҳ Х.Х.Х ургани ҳақидаги кўрсатувидан ташқари бошқа бирор бир далил мавжуд эмас.

Шу боис, суд Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22 ва 23-моддалари талабларидан келиб чиқиб, жабрланувчи Х.Х.Хнинг ушбу важларини асоссиз деб топади.

Суд судланувчи Х.Х.Хнинг жабрланувчи Х.Х.Х илгари ҳам жиноят иши бўйича жабрланувчи бўлгани, у ҳолатда ҳам йўл талашгани натижасида учинчи шахс билан уришгани ҳақидаги важларини текширилганида, ҳақиқатдан ҳам Х.Х.Х фуқаро Х.Х.Хга оид жиноят иши бўйича жабрланувчи деб эътироф этилгани, ушбу шахсга оид жиноят иши жиноят ишлари бўйича Сирғали туман судининг 2022 йил 3



мартдаги ажримига асосан томонларнинг ярашилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига асосан тугатилгани, иш ҳолатига кўра 2021 йил 7 декабрь куни Х.Х.Х ўзининг автоуловида ўзи билан бир йўналишда ҳаракатланган Х.Х.Х билан йўл таллашиши оқибатида безорилик жиноятини содир этгани аниқланган.

Суд судланувчи Х.Х.Хнинг жиноий ҳаракатлари юридик квалификациясини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан унинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми “а” банди билан безорилик, яъни жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан, уриб-дўппослаб, баданга ўртача оғир шикаст етказиб содир этишда ифодаланган жиноят аломатлари билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 1-бандида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратишлари лозим”лиги, 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”лиги ҳақида тушунтириш берилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 37-бандида “ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкин” деб кўрсатилган.

Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирган ҳолда жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкин (масалан, моддий зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, судланувчи ёки ота-онасининг оғир касаллиги, уларнинг меҳнатга лаёқатсизлиги, айбдор ота-онасининг ёки боласининг бошқа боқувчиси йўқлиги, судланувчининг кекса ёшда эканлиги, унинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятни очишда фаол иштирок этганлиги, жабрланувчининг жиноят содир этилишига туртки берган ҳуқуққа хилоф хулқ-атвори, жабрланувчининг судланувчи билан ярашганлиги ва ҳ.к.). белгилаб қўйилган.

Суд, юқорида қайд этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суди



Пленуми Қарорининг раҳбарий кўрсатмаларини эътиборга олиб, судланувчи Х.Х.Хга жазо тури ва меъёрини белгилашда, тайинланадиган жазонинг судланувчини қайта тарбияланишига ва оиласининг яшаш шароитига таъсирини, айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, жиноятни фош этишда фаол иштирок этганини, муқаддам судланмаганини, оилавий шароитини, қарамоғида турмуш ўртоғи ва 00 нафар фарзанди борлигини, жабрланувчи моддий зарардан воз кечганини, иш бўйича даъво мавжуд эмаслигини ҳамда ишдаги жазони ҳам енгиллаштирувчи ҳам оғирлаштирувчи ҳолатларни инobatга олиб, енгиллаштирувчи ҳолатларни жазони енгиллаштирувчи ва қилмишининг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, судланувчига нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, айбдор деб топиладиган модданинг санкцияда кўрсатилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинлашни мақсадга мувофиқ деб топади.

Суд, етказилган моддий зарарни ундириш масаласини муҳокама қилиб, жабрланувчи Х.Х.Х даъвосидан воз кечганини инobatга олишни, томонларга маънавий зиённи ундириш масаласида фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462-463, 465-468, 471-473- моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Х.Х.Х (Х.Х.Х) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбдор деб топилсин ва унга шу модда билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 баравари, яъни 6.600.000 сўм жарима жазоси тайинлансин.

Х.Х.Хга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Тошкент шаҳар ИИББ МИБ депозит ҳисоб рақамига 23646-сонли қвитанция билан гаров тариқасида топширилган 7.000.000 сўм гаров қўювчи Назаров Дилшод Бахтияровичга қайтарилсин.

Манфаатдор томонларга маънавий зарарни ундириш масаласида фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497⁴-моддасига мувофиқ, апелляция шикояти ва протестлари ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, маҳкум, оқланган шахс, жабрланувчи томонидан эса ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида берилиши мумкин.

Қонуний кучга кирган суд ҳукм (ажрими) устидан ушбу суд орқали юқори турувчи судга кассация тартибида шикоят берилиши ва протест билдирилиши мумкин.



Раислик қилувчи

/имзо/

А.Шамахмудов

Ҳукм нусхаси аслига тўғри: _____

Ҳужжат имзоланган: Шамахмудов Аббосхон Абзалович, 23.01.2024

